



Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қай бир тилла ва кумуш эгаси уларнинг ҳаққини (яъни закотини) адо этмаса, қиёмат куни ўтдан бўлган тамға қилиниб, уни жаҳаннам оловида қиздирилиб, у



кишининг биқинига, пешонасига, орқасига босилади. Совуб қолса, яна қайтадан (қиздириб) олиб келинади, миқдори эллик минг йилга тенг бўлган бир кунда, то бандалар ўртасида ҳукм қилиб бўлингунча (шундай қилинади), сўнг у ўзининг ё жаннатга, ё дўзахга бўлган йўлини кўради». «Ё Расулуллоҳ, туячи?», деб сўралди. «Туялар эгаси ҳам агар уларнинг ҳаққини адо этма (закотини берма)са – (яйловдан) келган куни сути(ни софиш) ҳам ҳаққидандир – қиёмат куни уни кенг текисликка туялар оёғи остига ташланади, бирорта боласи ҳам қолмай, ҳаммаси уни оёқлари билан эзғилаб, тишлари билан тишлашади, охиргиси ўтиб кетгач, яна биринчисини қайтариб келинади, миқдори эллик минг йилга тенг бўлган бир кунда, то бандалар ўртасида ҳукм қилиб бўлингунча (шундай қилинади), сўнг у ўзининг ё жаннатга, ё дўзахга бўлган йўлини кўради», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, мол-қўйларчи?», деб сўралди. «Мол ва қўйлар эгаси уларнинг ҳаққини адо қилмаса, қиёмат куни уни кенг текисликка уларнинг туёқлари остига ташланади, бурама шохлиги ҳам, шохсизи ҳам, шохи сингани ҳам қолмай, ҳаммаси уни шохлари билан сузиб, туёқлари билан эзғилашади, охиргиси ўтиб кетгач, яна биринчисини қайтариб келинади, миқдори эллик минг йилга тенг бўлган бир кунда, то бандалар ўртасида ҳукм қилиб бўлингунча (шундай қилинади), сўнг у ўзининг ё жаннатга, ё дўзахга бўлган йўлини кўради», дедилар... (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Закот Исломнинг энг улуғ руқнларидан, Аллоҳ таоло Қуръонда бир неча ўринда уни намоз билан бирга зикр қилган. Уни бермаслик гуноҳи кабиралардан бўлиб, закотни ман қилувчи кимсани Аллоҳ ва Расули оғир азобга гирифтор этилиш билан огоҳлантирган.



Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Закотни бермаслик гуноҳи кабиралардан;
2. Бундай қилган кишига қаттиқ азоб бор.